



ЖАМЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 МАРТ ЧОРШАНБА № 62 (810).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

ЕТАКЧИЛИК—УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

26 МАРТ КҮНИ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР ҲОКИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган тасвир (ЎзА).

Мулоқот чоғида иқтисодий ислохотнинг борishi, бу борадаги муаммолар ва уларнинг бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг катта гуруҳи тажриба алмашиш, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш усулларини янада пухта ўрганиш мақсадида ҳоржий давлатларда бўлган эди. Учрашууда ана шу сафар натижалари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Бугунги мулоқотдан асосий мақсад жойлардаги вазият ҳақида сизларнинг фикрингизни билишдир, деди Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий-сиёсий ҳаёти, ички ва ташқи сийосати, умуман айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётимиздаги ислохотларни амалга ошириш борасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш масаласида фикрлашиб олмақ зарур. Бизни сизлар билан ишлаётган одамларнинг кайфияти, ислохотга муносабати, дунёқараши ва ёндоқлиги қизиқтиради. Биз ҳозир иқтисодий ислохотнинг тубдан ўзгаришларини, янги иқтисодий тизимни барпо этишимиз, яъни, эски маъмурий-бюрократик услублардан воз кечиш, ўзинизга хос ва

лиқ масъулияти шундаки, у аввало эл-орт тақдирини жавобгар. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, раҳбарликнинг мақоми элу юртга оталиқдир. Оқил ота эса фарзандларини ҳеч қачон яхши-ёмонга ақратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларнинг бошини қовуштириб, пиروвардида қондон ободчилигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда халқ орасига адолат тушади, қарама-қаршилик кучайди, иш эса орқага кетади, одамларнинг бир-бирга ишончи йўқолади, турли қинғир ишларга йўл очилади.

Биргина мисол. Ўтган йили Бухоро вилоятида пахта ҳосилдорлиги 34 центнерни ташкил этди, дейилди. Айрим бригадалар, балки баъзи хўжаликлар бундай ҳосилни олиши мумкин. Лекин вилоят миқёсида ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта териб олиш хомхўдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатини аниқлаш учун икки марта комиссия юборилди ва 17,5 минг гектар ер яшириб қолгани аён бўлди.

Маълумки, ҳукумат қарорига мувофиқ ўтган йили режасини муваффақиятли bajarган хўжаликлар режадаги ҳосилнинг 20 фоизини ва режадан ташқари етиштирилган барча пахтаи ўзи мустақил тасарруф этади. Лекин Ромитон ва Бокент туманларида белгиланганидан ташқари 2—2,5 минг гектар ортқича ерга пахта экилиб, катта миқдорда ҳосил ўзлаштирилган. Кимга, нимага керак бу кўзбўямачилик? Буни ҳалқ, давлат олдидаги жиноят деб баҳолаш керак. Хуқуқ-тартибот органлари бу ишни охирига етказиши лозим.

80-йилларда халқимиз пахта янқоқимлигиндан катта азият чекиди, деди Президент, ўша пайтлардаги қўшиб ўзлашларга бундай барҳам бериш учун мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб ҳеч шимариб ишга киришган эдик. Қўллаб-туманларда умумий экин майдонларида пахтанинг ҳиссасини 60, ҳатто 56 фоизга туширишга муваффақ бўлдик. Шу ҳисобдан ўтган йили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. З. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Мираброр Зуфарович Усмонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 28 март.

Иқтисодийёт чорраҳаларида НЕГА БИЗГА ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА СИСТЕМАСИ ЗАРУР?

Урта Осиё Бирлашган энергетика системаси (БЭС) 30 йил аввал ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Жанубий Қозоғистон электр қувватларини мувофиқлаштириш йўлида хизмат қилиб келаяпти.

Энергетик системаларни яратишнинг афзаллиги нимада? Бу, аввало, уларнинг интеграциялашиш даражасига боғлиқ бўлиб, умумий электр тармоқлари, ягона диспетчерлик бошқаруви билан характерланади. Иккинчидан, электр станцияларнинг қувватини камайтириш ҳамда ёнғиннинг тежаш имконини беради.

Бироқ, шунинг айтиш керакки, Урта Осиё БЭСи собиқ Иттифоқнинг марказлаштирилган бошқаруви шароитида шаклланди. Натيجида бу минтақадаги давлатларнинг энергия ресурслари структураси (иссиқлик ва гидроэлектр станциялар) жиҳатдан балансламаган. Шунинг учун Урта Осиё БЭСининг МДХ Ягона энергетика системасига қўшилиши мақсада мувофиқдир. Бунга кераклик шароитлар ҳам мавжуд: Намбул, Бишкек ва Олмаотани бирлаштирувчи 500 киловольтли тармоқ фаолият қурсатаяпти. Урта Осиё БЭСи ва Қозоғистон БЭСининг системаларо 500 киловольтли «Жанубий Қозоғистон ГРЭС—Оқдир» электр линияси оралиқ қўрилиши шартли шартли бўлиб турибди. Бу ҳол ўз навбатида энергетикада қўллаб-қўллашган самарали ва истиқболли моделларни, режалар ва директивларни иқтисод асосида энергетика бўлган талабни аниқлаш усулларини шартли шартли кескин чегаралаб қўяпти. Шу боис янги шароитда мос математик услублар, янги айтиш, энергетика тараққиётини белгиловчи моделларни яратиш ишчи жадаллаштириш зарур.

В. ОТАЕВ. Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирининг ўринбосари. «Электр станциялари» кафедрасининг устози, техника факультети доктори, профессор.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

29 март куни Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фақуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Наҳамеден Искалиев мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Элчи Ўзбекистон Президентига Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбаевнинг қизини салом ва Набрўз байрами табригини етказди. Икки қўшни республика ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришда бор куч-гайратини сафарбар қилишга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари қадимий дўстлик ва биродарлик ринталари билан боғланган халқларимизнинг иқтисодий ва маданий

Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Элчи жаноблари Асқар Акиевнинг самимий саломини етказар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий қардошлик аънавларининг дўлом эътиришига ҳисса қўлиш ниятида эканини билдирди.

— Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларимиз аввалдан ривож топган, — деди Ислом Каримов. — Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ фаровонлигини таъминлашда долзарб вазифаларни bajarишда биз янада мустақамроқ бирлашишимиз зарур.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ НАҲАМЕДЕН ИХСАНОВИЧ ИСКАЛИЕВ

1966—1972 йиллар — Урал вилоятидаги «Талос» қўшун бўлимида хўжалик агроном, бош агроном бўлиб ишлаган.

1972—1978 йиллар — туман қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, Урал вилояти қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

1978—1980 йиллар — СССР халқ хўжалиги академиясининг тингловчиси, Москва шаҳри.

1980—1983 йиллар — Тўлдиқўрган вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

1983—1985 йиллар — Тўлдиқўрган туман партия қўмитасининг биринчи котиби.

1985—1986 йиллар —

Урал вилояти ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари.

1986—1991 йиллар — Урал вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби.

1991—1992 йиллар — Халқ депутатлари Урал вилоят кенгашининг раиси.

1992—1993 йиллар — Фарбий Қозоғистон (Урал) вилоят маъмуриятининг бошлиғи.

1993 йил — Қўшқетов вилоят маъмуриятининг бошлиғи.

1993 йил ноябрдан бошлаб Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси.

Халқлар дўстлиги ордени, урта медал билан мукофотланган.

Уйланган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ СОЛИЖОН ЖИГИТОВ

1974—1978 йиллар — Қирғиз совет энциклопедияси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари.

1979—1991 йиллар — Қирғизистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти сектор мудири.

1992—1993 йиллар — Қирғизистон Республикаси Президентининг миллий сиёсат бўйича маслаҳатчиси.

Езувчи, шеърин ва насрий асарлар муаллифи.

Қирғизистон Республикасининг фан соҳасидаги давлат мукофоти лауреати. Уйланган, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси



1941 йил 5 сентябрда Астрахан вилоятидаги Байбек қишлоғида туғилган. Олий маълумотли. 1966 йилда Қозоғистон давлат қишлоқ хўжалиги институтини битирган.



1936 йилда Ўш вилоятининг Урган туманида туғилган. Келдок қишлоғида туғилган. Олий маълумотли. 1959

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

ИККИ ТАН, ИККИ ЖОН...

Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши юртимизнинг эрта...

қизларимизнинг организи физиологик жиҳатдан ривожланмаган бўлади...

Муҳтарам Шароповна, ҳозирги кунда бўлимининг қандай ишларини амалга оширмақдасиз? Бундан уч йил олдин назирлигимиз томонидан чиқарилган махсус буйруққа асосан, турғуқ давридаги аёллар ва балоғатга етган қизларнинг соғлигини муҳофазада...

«Орғон» фирмаси билан ҳамкорликда ажудман ўтказилди. Унда, жумладан, иккинчи йил олдин Ўзбекистон аёллари учун улар юборган дори-дармонларнинг натижаларини, иккинчи томонларини муҳофаза қилди. Мазкур йилда Миср Араб Республикасидан имом, доктор Ҳасаний, профессор Аҳмадлар оналар фарзандларини, ўз сўтлари билан боқилари зарурлигини, ҳомилани олдинги ҳам диний томондан, ҳам тиббий томонидан салбий ҳолат эканлигини таъкидлади...

қилинмаган. — Умирларнинг тиббий тайёргарлиги ҳақида ҳам икки оғиз тўхташган.

«Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши қувончли ҳодиса бўлди. Шундай экан, оналар соғлиги муҳим аҳамият касб этади. Ана шундан келиб чиқадиган бўлса, турмуш қуришда қариндош-уруғчилик, алоқалари қандай таъсир этгани мумкин?

«Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши биз, табибод ходимлари зиммасига янада масъулият юқлайди. Юртимизга соғлом, бақувон табиб-қизлар керак. Эр-хотин ўртасидаги қариндош-уруғчилик қанчалик яқин бўлса, боладаги нуқсонлар ҳам шунчалик кўп ва кучли бўлади. Улардан тутилган болалар баъзи ҳолларда ўлик бўлади. Тирик қолганлари ҳам майиб-мажруҳ, ақлий заиф, нимжон бўлиши билан бир қаторда, ота-онанинг қонда бўлган наслик касалликларини ҳам, албатта, «мерос» қилиб олади. Қариндош-уруғчиликнинг ҳам бу борадаги таъсирини ҳам, албатта, «мерос» қилиб олади. Қариндош-уруғчиликнинг ҳам бу борадаги таъсирини ҳам, албатта, «мерос» қилиб олади...

ЯХШИ ИНСОН ЭДИ

Бу мураккаб дунёда яшаш ўтишининг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон фарзанди ўзи хоҳлайдими, йўқми, албатта, из қолдиради. Ёрнинг, каттагон, ёлқин, унутанда ҳам, одам бола...

Фани акани гарчанд кимдир ранжити ҳам, унга «отам, отам» деб қўярилади. У киши дорифунунда менга сабоқ берганлар. 1958 йилда «Ленин унвурини» таъсис қилганда...

Кўп қатори мен ҳам муъжаз ҳаётим давомида кўн-кўн шахсларни, одми инсонларни уратдим ва уларни кўриб турарман. Бироқ, Фани ака...

Бундоқ яхшиликларни Фани ака бошқаларга ҳам беминнат кўргазардилар. Энг муҳими, раҳматлик устозимиз кимдир яхшилик қилсалар, энг аввало уларни беҳад қувонардилар. Кимдир бошқа оғир кун тушганда ёш бола янглик хўн-хўн йиғлардилар. Дарҳақиқат, Фани ака ўн йилла бошқалар рўнома-сида муҳаррирлик қилди. У кишининг олимлик тадқиқоти ҳам ўзбек болалар адабиётига таалуқли эди. У киши умрлари мобай...

ХОТИРА

нида ҳатто дилдор кимсаларнинг ҳам юзига қаттиқ гапирган эмасдилар. Кўпгина муҳим вазифаларда ишлаган бу инсоннинг яшаш тарзи гоётада камтарин, одми, жўнгина эди. Инсон боласига ноёлиқ ҳар қандай нарсдан у киши ўзларини сақларди. Ҳозир биз меҳр-оқибат ҳақида кўп гапирармиз. Чунки унга муҳтожмиз. Демак, меҳр-оқибатни инсонлар хотираси ёш учун нибрат бўлиши лозим. Мозор бошида йиғилган халойиқ дунёдан ўтганлар ҳақида гоҳо тил учиде бўлса ҳам: «У яхши одам эди» деб қўйишди. Бироқ биз, яъни Фани акани билганлар, яқиндан танганлар баралла айта оламиз: Фани ака, жойингиз жаннатда бўлмай! Агар бу фойвий дунёда яхши одамни эслайдиган бўлса, энг биринчилардан бўлиб Сиз ҳақингизда сўз юритамиз! Яхши инсон эдингиз! Яхши инсон эдингиз!

Абдулла ОРИПОВ.



БАҲОР ҚУВОНЧИ.

«КАМОЛОТ» — КАМОЛОТ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Кўмитаси ўтказётган «Камолот» ёш ижрочилар республика танловининг вилоят даражаси тугади. Танловда томошабинлар орасида ном чиқарган эстрада қўшиқчилари иштирок этмоқда. Танловнинг якуловчи даражаси апрель ойининг бошларида Тошкентда, пойтахтнинг энг шинам саҳналаридан бирида, яъни Халқлар Дўстлиги саройида. Ешлар Иттифонининг навбатдаги қурултойи очилди...

ИННОҚЛИККА НЕ ЕТСИНИ

ОҒАЙНИЛАР НЕГА ЮЗ КЎРМАС БЎЛИБ КЕТИШЯПТИ?

Бир кун Пешку туман судининг раиси Муҳиба Имомова билан суҳбатлашиб қолдик. Кейинги йилларда вақтимиз гоҳо ота билан она, ака билан ука ўртасидаги низооларни бар тароф этишга кетаяпти, — деди у кўюниб. — Улар бир-бирларининг қадрини шу қадар ерга уриб юборишадими, худди бегоналар деб ўйлайсиз. Молу дунё, бойлик деб қанчадан-қанча оғайнилар юз кўришмас бўлиб кетишяпти. Шуларни уйласам, кўнглим изтироб чекади. Суд раиси қўрган ишлар билан танишиб, унинг бекорга қуюлмаганига иқдор бўлдим. Жумладан, Давлат Эгамов шундай қилмиши учун яқинда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-модда, 3-қисми билан айбонли деб топилган. У «Янгиобод» жамоа хўжалигидаги дўконларнинг бирида этникдўзлик қилди. Тўғри, Давлат ҳозиргача отасининг хонадониде эмас, амакисининг уйда яшаб келди. Эҳтимол, бу ота билан боланинг ўртасидаги меҳр ришталарига гўбор солгандир. Аммо барибир фарзанд ота олдиде бурчли. Ленин Давлат бунни унутди. Ўз падари бузурувдорининг уйига ярим тунда кириб, ҳовлидаги 7 та қўйни ўғирлаб кетди. Эртаси кун уларни 180 минг 500 сўмга пуллаб юборди. Жоғаре қишлоғида яшовчи Шавкат Ҳақимов ҳам шундай қабўхликка борди. Ярим тунда «Маданият» жамоа хўжалиғида яшовчи акаси Чори Ҳақимовнинг оғилхонасидан битта қорамолни ўғирлаб, содтиб юборди. Мана сизга оғанино ака-укаларнинг бир-бирига бўлган оқибати. Бизга айтишларича, акаси уядан бир вақтлар олтига ёғоч олган, аммо пулини қайтармади. Қийинчилик бир кунни ўтади-кетди. Ушанда кўз-кўзага тушгач, бир-биримиздан уялиб, юзимиз шувит бўлиб қолмасин. Ахир кексаларимиз, меҳр-оқибат бор жойда иноқлик, тотувлик ҳамда барака бўлади, деб бекорга айтишмаган-ку. Маннон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛТОВЛОН УМРИГА ЗАВОЛ ЗИЁФАТ

Баъзан эрталаб уядан чиқётганинда кувдалик ишинида нималар кутаётганини, ҳаётининг қандай қувонч ва ташвишларига дуч келишининг билмайсан, киши. Қалбларини ларзага солувчи бу воқеа хотин-қизлар байрами куниде содир бўлди. Ўзбекистон индустриал техникуми битирувчиси, 23 ёшли Содин Тошмуродов таниш қизларини табриқлаб қўйиш ниятида ёнига дўсти Ш. Ортиқов, амакиси Р. Тошмуродовларни олиб, «Жигул»сида йўлга чиқди. Олтин уфат ахшигина ўтиришди. Мириқиб ичиди, ўйин-қули қилишди. Байрам зиёфати танларини қизгитган ёшларга шаҳар торлик қилаётгандай туюлди. Э-а ро келишиб, лна мажнанига ўтиришди-да, тоғ хавосидан баҳраманд бўлиш учун шаҳар ташқарисига равона бўлишди. Машинаи маст ҳолда бошқарётган С. Тошмуродов Сайхон қишлоғига яқинлашганда КамАЗга бориб урилади. Вилоят давлат автомобил назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Набижон Муродовнинг айтишича, улфатларнинг тўрт нафарини воқеа содир бўлган жойининг ўзиде вафот этишган. Оғир аҳволда келтирилган Р. Тошмуродов ва шахси номатўлум қиз шаҳар касалхоналарида жон беринган. Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АҚШ БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ — МЕҲМОНИМИЗ

АҚШ баскетболчилари Тошкентда халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказди. Бу учрашув Америкадаги етти университет спортчиларидан тузилган «ҳаракатдаги спортчилар» деб аталган талабалар терма қомандаси спорт дастурини беэади. Америкалик спортчилар Бишкекда халқаро мусобақада иштирок этганидан сўнг Ўзбекистон Республикасига келиш истатгани билдирган эди, уларга бундай ймкюнат берилди. Бу ерда уларни Тошкент МАСК баскетбол қомандаси қабул қилди. МАСК пойтахт спорт қомандасида ўтган бу учрашув 94-90 ҳисобиде майдон эгалларининг галабаси билан тугади. Келишувга мувофиқ, эди тошкентлик баскетболчилар АҚШга борадилар. (ЎЗА мухбири).

Барча мулк шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, давлат бошқарув идоралари ва манфаатдор шахслар ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази барча мулк шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларга, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга қуйидаги хизматларни кўрсатади: ҳуқуқий хизматлар; иқтисодий-ҳуқуқий, аудиторлик таҳлили (текшируви); ахборот-маълумот етказиб бериш; барча мулк шаклларидаги корхоналар учун таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва расмий давлат бошқарув идораларида рўйхатдан ўтказиш; мулкни ҳуқуқийлаштириш билан боғлиқ шартномалар, битимларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; шериклар, томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаётган ҳолларда жумладан, экспорт ва импортга доир давло талабномалари ва порозлик аризалари (рекламация)ни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо хизматлар. Биз Сизнинг Ўзбекистон Республикасидеги ишамолларингизни ҳам қамқилиб бериш ишончлиғибега эамиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Себзор кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 40-44-04, 40-50-02, 40-19-63, 40-42-69.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик бош ҳисобчиси М. Усмоновага акаси Эркин ОБИДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонд жамоаси Девоннинг масъул ходими Авазбек Абдуқўрмановга унаси. АНВАРЖОНнинг бевайт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради. Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг Қонунчилик бошқармаси бошлиғи, ҳайъат аъзоси Раъно Қаримовага волидан муҳтарамаси Зуҳра КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади. «Узтрансхизмат» давлат-акционерлик бирлашмаси бошқаруви ва ҳайъатини хўжалик ҳисобидеги «Бахт» корхонаси директори Тодир МИРЗАБОВнинг бевайт вафот этганлиги муносабати билан оғла аззолари, қариндош-уруғларига таъзия билдиради.

The 1994 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program Opportunities for Graduate Study in the U.S.A.

The Government of the United States of America and the American Embassies announce the 1994 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program. Pending funding, the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program will provide: 100 Fellowships, one year or two years in length for graduate study in the U.S.A., some of which may lead to a degree or certificate from a U.S. institution.

- Fields: Communications/Journalism, Education Administration, Library and Information Science, Public Policy

Competition for the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is merit-based and open. Anyone meeting the criteria below is eligible to apply.

- Citizens of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Moldova, Russia, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine, Uzbekistan.
- Under the age of forty (40) at the time of application
- Holders of an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing by July 1994
- Proficient in written and spoken English at the time of application

able to demonstrate professional aptitudes and leadership potential in their field of specialization.

-Able begin study in the United States in the summer of 1994

Participation in Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is contingent upon the ability to receive and maintain a U.S. visa.

Spouses of U.S. citizens, individuals currently enrolled in academic programs in the United States, persons residing, working or earning a living in the U.S. or individuals who have applied for immigrant visa or political asylum to any country are not eligible.

The Freedom Support Act Graduate Fellowship Program does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is provided by the United States Information Agency.

Individuals who applied for the 1994 Edmund S. Muskie Fellowship Program will be considered for the 1994 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program and do not need to submit a new application.

The Program is administered by: American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS) International Research & Exchange Board (IREX) The Soros Foundation

For further information and applications contact: FSA Fellowship Program ACCELS 1 Furkat St., 5th floor Room 7 700027 Tashkent, Uzbekistan Telephone: (3712) 45-45-66 Tel/Fax: (3712) 45-23-48 ACCELS American Educational Advising Center 80 Uzbekistan St., Room 112 700027 Tashkent, Uzbekistan Telephone: (3712) 45-80-56

Халқ сўзи Народное Слово ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗНЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миралма Миралимов, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир уринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир уринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Кулҳадид РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕВ, Пиримкул ҚОДИРОВ, Мухаммаджон ҚОРАБОВ, Саидхорр ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир И. Утбосаров, давлатчи Ф. Эшмуродов.